2014 йил 10 февраль, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 28 (12.589)

Баҳоси эркин нархда


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ XXII ҚИШКИ ОЛИМПИАДАНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

**Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 февраль куни Сочи шаҳрида ўтаётган XXII қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.**

Ушбу Олимпия ўйинларида саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган спортчиларимиз Ксения Григорьева ва Артём Воронов тоғ чанғиси, Миша Ге фигурали учиш мусобақаларида иштирок этади. 5 февраль куни Олимпия шаҳарчасида терма жамоамиз шарафига Ўзбекистон Давлат байроғи тантанали равишда кўтарилди.

XXII қишки Олимпиада мустақил Ўзбекистон терма жамоаси қатнашаётган олтинчи шундай мусобақадир. Мамлакатимиз спортчилари мустақил жамоа сифатида иштирок этган илк Олимпиада – 1994 йилда Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида ўтган XVII қишки Олимпия ўйинларида фристайл бўйича олтин медални қўлга киритиб, улкан муваффақиятга эришган эди.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон спортчилари Олимпия ўйинларида 6 олтин, 5 кумуш ва 11 бронза, Осиё ўйинларида 54 олтин, 76 кумуш ва 93 бронза медалига сазовор бўлди. Бундай натижалар Ўзбекистон спортга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилаётган ва жадал ривожланаётган мамлакатлар орасида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётганидан далолат беради.

Бугунги кунда спорт ёшларимиз ҳаётида тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Давлатимиз раҳбари, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгаши Раиси Ислом Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Олимпия спорт турлари бўйича терма жамоаларимиз 2 мингга яқин спортчи шуғулланаётган олий спорт маҳорати мактабларида шакллантирилмоқда.

Сочи шаҳрида ўтаётган XXII қишки Олимпия ўйинларида 90 га яқин мамлакатдан 5 минг 500 дан зиёд спортчи иштирок этмоқда.

Ушбу Олимпия ўйинлари учун махсус қурилган «Фишт» стадионида 7 февраль куни жаҳоннинг етакчи мамлакатлари раҳбарлари иштирокида мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Олимпиада машъаласининг ёқилиши маросимнинг энг ҳаяжонли дамлари бўлди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Сочига сафари доирасида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон – Туркманистон муносабатларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

## ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ РИГАДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

***Латвия пойтахти Рига шаҳрида ўтаётган «Balttour – 2014» халқаро туризм кўргазмасида Ўзбекистон сайёҳлик фирма ва компаниялари ҳам иштирок этмоқда.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, янги туристик маршрутлар очиш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида юртимизга келаётган сайёҳлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимизнинг бағрикенглиги ва меҳмондўстлиги бунда муҳим омил бўлаётир.

«Balttour – 2014» халқаро туризм кўргазмаси юртимизнинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳиятини янада кенгроқ намойиш этиш учун яна бир яхши имкониятдир.

Ўзининг хушманзара табиати, ноёб тарихий обидалари ҳамда замонавий шаҳарлари билан дунёга машҳур Ўзбекистон мазкур ярмаркада учинчи марта иштирок этмоқда. Бу галги анжуманда Латвия, Ўзбекистон, Венгрия, Вьетнам, Гана, Испания, Италия, Россия, Словакия, Таиланд, Тунис, Туркия, Украина каби қирққа яқин мамлакатдан қарийб етти юз фирма ва компания ўз маҳсулот ва хизматларини намойиш этмоқда. Мазкур тадбир сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган бўлиб, унда ўрмон, денгиз, дельфинарий, спорт, экстремал ва фаол туризм, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, авиаташув каби йўналишларга оид ўнлаб турдаги бўлимлар ишлаб турибди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## БАШАРИЯТ ЭЪЗОЗИДАГИ ШОИР

***Шу кунларда мамлакатимизда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллигига бағишланган маърифий тадбирлар, адабий кечалар, илмий анжуманлар, мушоиралар ўтказилмоқда.***

Анъанага кўра, 9 февраль куни Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 573 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, навоийшунос олим, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти Г.Одилова, шоир Н.Жонузоқ ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг бой илмий-маърифий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган улкан ишлар миллий адабиётимизни ривожлантириш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Маънавият ва маърифатни юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказиш, она тилимиз, миллий адабиётимиз равнақида улуғ шоир, мутафаккир Алишер Навоий ижодининг ўрни беқиёсдир. Алишер Навоийнинг бадиий ва илмий меросини ўрганиш, асарларини нашр этиш, мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан бу борадаги ишлар ҳар томонлама рағбатлантирилиб, шоир асарларининг мукаммал тўплами нашр этилди.

Шоирнинг асарлари умумтаълим масканлари, коллеж ва лицейлар, олий таълим даргоҳлари, илмий-тадқиқот муассасаларида кенг ўрганилмоқда. Буюк мутафаккир номи билан юритилувчи маърифат маскани – Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Навоий асарларининг электрон шаклини яратиш, бу йўналишда хориждаги нуфузли кутубхоналар, музейлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда.

Навоий асарлари жаҳон халқларининг кўплаб тилларига таржима қилинмоқда, китоб ҳолида нашр этилмоқда. Мутафаккир бобомизга улкан эҳтиром рамзи сифатида дунёнинг қатор шаҳарларида унинг ҳайкаллари ўрнатилган.

Польша Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мариан Пшезьдзецки Алишер Навоий асарларида тараннум этилган, инсониятни эзгуликка ундовчи ғоялар умрбоқийлиги билан бутун башариятнинг маънавий хазинасига айланганини таъкидлади. Шоирнинг ғазаллар тўплами яқинда польшалик мутахассислар томонидан илк марта поляк тилига ўгирилиб, алоҳида китоб ҳолида ўқувчилар эътиборига ҳавола этилгани бунинг яққол намунасидир.

Ўзбекистон халқ артисти А.Рафиқов «Фарҳод ва Ширин» достонидан парча ўқиди. Навоий ғазаллари билан айтилувчи қўшиқлар ижро этилди. Тошкент давлат шарқшунослик институти талабалари шоир ғазалларини инглиз, немис, француз, япон, корейс тилларида ўқиб берди. Навоийга бағишланган шеърлар ўқилди.

Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида Алишер Навоий ижодига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, навоийшунос олимлар, ёш ижодкорлар, ёшлар иштирок этди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори Н.Жабборов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири С.Саййид, Ўзбекистон халқ шоири Т.Низом, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири, шоир С.Ҳакимов ва бошқалар Алишер Навоий ижоди инсониятни эзгуликка ундаб келаётганини таъкидлади. Мушоирада улуғ мутафаккир асарларидан намуналар ўқилди.

Буюк шоир таваллудига бағишланган адабий-маърифий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## МАЪНАВИЯТ ВА ИЛҲОМ МАНБАИ

***Хабар қилинганидек, «Туркистон» саройида буюк мутафаккир, улуғ шоир Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллигига бағишлаб «Назм ва наво» кечаси мусиқали-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Бадиий академия, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирга ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, табаррук онахон ва отахонлар, иқтидорли талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни соғлом, мустақил фикрлайдиган, юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказиш, улар қалби ва онгига ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини чуқур сингдириш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади. Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларда мероси наинки халқимиз, балки башарият маънавий мулкига айланган аждодларимиз ҳаёти, фаолияти, ижодини ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Истиқлол йилларида Алишер Навоий ижоди тўлиқ, ҳар томонлама тадқиқ этилмоқда. Унинг мукаммал асарлар тўплами нашр қилинди. Мутафаккир бобомиз асарлари умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот институтлари, маърифат муассасалари, ахборот-ресурс марказларида кенг ва атрофлича ўрганилмоқда. Шоир ижоди бастакор ва хонандалар, созандалар, мусаввирлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Ғазалларига басталанган янги-янги қўшиқлар, адабий, бадиий, тасвирий санъат асарлари халқимиз эътиборига тақдим этилмоқда. Бу навқирон авлодни ватанпарварлик, фидойилик, элу юрт тақдири учун дахлдорлик руҳида камолга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидланганидек: «Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади. Она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу шууримиз, юрагимизга аввало Навоий асари билан кириб келади. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни қарор топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз».

– Буюк бобокалонимизнинг бой адабий мероси бадиий мукаммаллиги, маънавий-ахлоқий, тарбиявий нуқтаи назардан долзарблиги билан жаҳондаги барча халқларнинг маънавий мулкига айланган, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева. – Навоий асарларининг сеҳри ва қудрати уларда инсоннинг маънавий камолотга даъват этувчи туйғулар, ҳамжиҳатлик, тинчлик ва осойишталик, бунёдкорлик, ватанпарварлик, ҳалоллик сингари эзгу ғоялар бош мавзу сифатида тараннум этилишида ёрқин намоён бўлади.

Шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳаллалар, ўқув даргоҳлари, маърифат масканлари, меҳнат жамоаларида ёзувчи ва шоирлар, олимлар, маънавият тарғиботчилари, маданият ва санъат намояндалари иштирокида буюк бобокалонимиз ҳаёти, фаолияти, ижодий меросига бағишланган кечалар, мушоиралар, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

«Назм ва наво» кечасида шоир ижодий меросининг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Алишер Навоий ғазалларидан намуналар ўқилди, унинг асарлари билан айтиладиган қўшиқлар ижро этилди. Сарой фойесида Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, бой адабий меросига бағишланган тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Жиззах вилоятида 2013 йил якунлари ҳамда 2014 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда 2013 йилда вилоят иқтисодиётини юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилди. Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 17 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.**

**● Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси мудофаа ишлари бошқармаси йиғув пунктида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

**● Самарқанд давлат чет тиллар институтида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Юртбошимизнинг 2013 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, талаба-ёшлар иштирок этди.**

**● Эндиликда қашқадарёлик тадбиркорлар статистика маълумотларини Интернет тармоғи орқали ҳам юборишлари мумкин. Вилоятда автоматлаштирилган «eStat 2,0» ахборот тизимининг ишга туширилиши билан шундай имконият юзага келди. Натижада тадбиркорлик субъектлари томонидан топширилаётган ҳисоботларнинг электрон улуши 88,6 фоизга етди.**

### ЖАҲОНДА

**● 1996 йилдан буён «VAIO» савдо белгиси остида замонавий компьютерлар ишлаб чиқараётган Япониянинг машҳур «Sony» компанияси ушбу фаолиятдан воз кечиб, эндиликда асосий эътиборни планшетлар ва смартфонлар тайёрлашга қаратишини маълум қилди. «VAIO»ни эса мамлакатнинг йирик инвестиция жамғармаси ҳисобланмиш «Japan industrial Pariners» сотиб олади ва бу борадаги келишув шартлари жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб тўлиқ амалга оширилади.**

**● Германияда анъанавий Берлин халқаро кинофестивали бўлиб ўтмоқда. 64-бор ўтказилаётган ушбу нуфузли кинофорум давомида 400 га яқин фильм намойиш этилаётган бўлиб, уларнинг 20 таси бош совринга даъвогарлик қилмоқда. Кинофестиваль ғолиблари номи 15 февралда маълум бўлади.**

**● Токиода пенсионер кампирни уриб кетган велосипедчини суд 47 миллион иена тўлаш жазосига ҳукм қилди. Велосипед уриб кетгандан сўнг беш кун ўтиб, кампир ҳаётдан кўз юмганлиги сабабли ушбу пуллар унинг оила аъзоларига берилади. Пенсионернинг оила аъзолари юз миллион иена сўрашган бўлишсада, барибир суд қароридан қониқиш ҳосил қилишди. Зеро, велосипедчи катта тезликда кетаётиб, йўлчироқнинг қизил чироғига аҳамият бермаган ва пиёдалар ўтадиган жойда кампирни уриб кетганлиги сабабли ушбу бахтсиз ҳодиса рўй берган.**

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ АСОСИ

***Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борадаги ислоҳотларнинг самараси кўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Бинобарин, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

– Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси, манфаатлари муҳофазасини таъминлашнинг самарали механизми шакллантирилган, – дейди Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи Алижон Очилов. – Айни пайтда фуқароларнинг бу имкониятлардан самарали фойдаланишини йўлга қўйиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган изчил ишлар амалга оширилаётгани натижасида юртдошларимизнинг нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий маданияти ҳам тобора юксалиб бормоқда. Фуқароларимизнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётгани, ҳар бир шахсда фаол фуқаролик позицияси ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси кучайиб бораётгани бунинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Бунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган миллий қонунчилик асослари яратилгани, унинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказишда давлат ва жамоат ташкилотларининг узвий фаолияти йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этаётир.

2013 йилда мазкур йўналишда 385 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини марказлашган ҳолда режалаштириш, ягона тизимга солиш, ҳисоботларини эшитиш ва тегишли тавсиялар бериш юзасидан Адлия вазирлиги ҳузурида Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш тузилгани самарадорликни янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида кенгаш томонидан турли конференция, семинар, давра суҳбатлари ташкил этиш ҳамда бу жараёнда эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар қамраб олинган алоҳида қўлланма тайёрланди.

Ёш авлоднинг ҳуқуқий билимини юксалтиришда ҳуқуқий адабиётлар муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йиллар давомида бу йўналишда ўн мингдан ортиқ номда дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар яратилди. Ҳуқуқий тарғибот ишларини кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб бориш мақсадида 15 мингдан ортиқ турдаги плакат ва буклетлар қарийб 128 минг нусхада чоп этилди.

Айни пайтда Идоралараро кенгашнинг 2014 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланиб, ижросига киришилди. Унда аҳолини ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлашда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар белгиланиб, бу жараёнда оммавий ахборот воситалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Вазирлик томонидан жорий йилда ҳам аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бу ҳар бир шахснинг қонунлар асосида кафолатланган ҳуқуқларидан амалда фойдалана олиши, энг муҳими, ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишда қўл келмоқда. Зотан, ҳуқуқини билган, ён-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз нуқтаи назарига эга кишини ҳеч ким тўғри йўлдан адаштира олмайди. Ёш авлодни ана шундай руҳда тарбиялаш мақсадида оила, маҳалла ва таълим муассасалари билан фаол ҳамкорлик асосида ҳуқуқий тарғибот тадбирлари кўлами янада кенгайтирилмоқда.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллигига бағишланган «Навоий мероси – маънавиятимиз кўзгуси» мавзусида адабий-бадиий тадбир ўтказилди.***

**Тадбирлар**

# НАВОИЙ МЕРОСИ — МАЪНАВИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Университет профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этган анжуманда сўзга чиққанлар томонидан Юртбошимиз раҳнамолигида миллий маънавиятимизни юксалтириш, улуғ аждодларимизнинг ўлмас меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, унинг мазмун-моҳиятини ёшларимиз онгу шуурига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги қайд этилди.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг ибратли ҳаёти, серқирра ижоди, илм-фан йўлидаги оламшумул ишлари бугун ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келаётгани, унинг асарларида тараннум этилган инсон руҳиятининг гўзал бадиий ифодаси, маънавий юксакликка интилиш, тинчлик ва фаровонлик, юрт ободлиги каби эзгу ғоялар мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган ютуқларда ўз ифодасини топаётганлиги ҳақида сўз юритилди.

— Ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг серқирра ижоди, — дейди талаба Гулноза Мирзаева, – асрлар мобайнида инсониятни эзгуликка, ҳамжиҳатликка, илм-маърифатга чорлаб, халқимиз учун чексиз фахр-ифтихор тимсоли бўлиб келмоқда.

Тадбир давомида талабалар томонидан улуғ шоир рубоийлари асосида тайёрланган адабий чиқишлар, ғазалларига басталанган куй-қўшиқлар ижро этилди.

**Оқила БАҲРОМОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

*Олмазор тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# ОЛМАЗОР ТУМАНИДА 2014 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан кейинги матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Олмазор туманида 2014 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан кейинги матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситалари, машина, асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техника воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларни далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техника ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техниканинг доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. «Давтехназорат» инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Туман ҳокими в.в.б**
**М.Турапов**

*2014 йил 10 январь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

# ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ РИГАДА НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

«Ўзбектуризм» миллий компаниясидан маълум қилишларича, «Кипсала» халқаро кўргазма марказида ўтказилаётган сайёҳлик ярмаркасида мамлакатимизнинг «Ўзбектуризм», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» ва бошқа компания ҳамда фирмалари иштирок этаётир. Ярмарка иштирокчилари мамлакатимизда бу соҳада яратилган шарт-шароитлар, таклиф этилаётган хизматлар, меҳмонхоналар, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолиятига оид кўплаб маълумотлар билан танишмоқда.

Туризм форумидан жой олган «Ўзбекистон» стенди миллий дизайни мазмундорлиги билан кўргазма иштирокчилари эътиборини тортмоқда. Юртимизнинг бетакрор табиати ва тарихий обидалари акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Balttour – 2014» халқаро туризм кўргазмаси жаҳон жамоатчилигини мамлакатимиз сайёҳлик саноати билан кенг таништириш, хорижий компаниялар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, манфаатли шартномалар тузиш, туризм бозоридаги янгиликлар ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиш, бу борада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини беради.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**



***Яқинда Ўзбекистон Миллий университети геология факультети ўқув жараёнлари учун «Шлюмберже» (Франция) халқаро компаниясининг геологик ва геофизик маълумотларни таҳлил қилувчи замонавий «Петрел» дастури татбиқ этилди.***

# ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА — ЗАМОНАВИЙ ДАСТУР

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда таъкидланганидек, ўқув жараёнига замонавий технологияларининг жорий қилиниши таълим сифатини оширишда муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Бу эса ўз навбатида, интеллектуал салоҳиятли ёшлар сафининг кенгайишида катта аҳамият касб этади.

Юртимиз ер ости бойликлари сирасига кирувчи нефть ва табиий газ қидирувини олиб бориш ҳамда уни етказиб беришда ёшларимизнинг билим ва салоҳиятини юксалтириш алоҳида ўрин тутади. Францияда фаолият олиб бораётган ушбу халқаро компания нефть-газ соҳасида қўлланиладиган замонавий дастурларни ишлаб чиқиш билан бирга, уни амалиётга йўналтириш борасида ҳам салмоқли ишларни бажариб келмоқда. «Петрел» дастури ҳам шу йўналишдаги амалий ишлар самараларидандир. Бу дастур юртимиздаги яна 2 та олий таълим муассасаси — Тошкент Давлат техника университети ҳамда Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент филиалига ҳам татбиқ қилинади. Ўйлаймизки, мазкур янги лойиҳа талабаларнинг чуқур билим олишларида айни муддаодир.

**Камола РЎЗИЕВА**

**Анжуманлар**

# КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Мирobod туманидаги 60-мактабда ўқитувчилар, ота-оналар иштирокида семинар ўтказилди.***

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбир мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга ўргатиш масалаларига бағишланди.

Анжуман қатнашчилари ёшларнинг касб-ҳунар сирларини ўрганишларига имкон яратиш борасида мактаб-маҳалла-оила ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур эканлигини таъкидлаган ҳолда халқ таълими муассасаларида ёшларни миллий ҳунармандчилик ҳамда амалий санъат намуналарини ўргатишда зарур бўладиган тўгараклар фаолиятини тубдан яхшилаш чоралари ҳақида ўзаро фикр алмашишди.

Давра суҳбати тарзида ўтган семинар якунида педагоглар ва ота-оналар келгусида бу борада амалга ошириладиган ишлар режасини белгилаб олишди.

**(Ўз мухбиримиз)**

***Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Жумладан, шу кунларда шаҳримиз туманларида аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Бундай хайрли ишлар Яккасарой туманида ҳам кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Тумандаги «Яккасарой-2» маҳалла фуқаролар йиғини аҳли орасида ҳам тиббий маданиятни ошириш ишларига муҳим эътибор қаратилмоқда.

— Бизнинг маҳалла фуқаролар йиғинида 4 минг 295 нафар аҳоли истиқомат қилади. 1089 та оила, шундан 32 таси эҳтиёжманд оила, шулардан аёллар сони 2233, эркаклар 2062 нафарни ташкил этади, вояга етмаганлар 1076, якка-ёлғиз қариялар 14 нафарни ташкил этади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Наргиза Артикова. — Президентимиз томонидан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши ва ҳукуматнинг қатор қарорларининг ижроси ва аҳоли саломатлигини таъминлаш мақсадида маҳалламизда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг тиббий ижтимоий маркази, туман тиббиёт бирлашмаси ва 59-оилавий поликлиника ҳамкорлигида чуқурлаштирилган тиббий кўрик амалга оширилди.

Маҳалладаги ижтимоий ҳимоя ва тиббий ёрдамга муҳтож, кўп болали, туғиш ёшидаги аёллар, ўсмирлар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, 29 нафар даволанишга муҳтож бўлган фуқаролар ва кўп болали оилаларга хайрия ёрдами сифатида шифокорлар қўйган ташхисига қараб, ҳар хил дори-дармонлар тарқатилди.

Маҳалла аҳолиси орасида тиббий маданиятни ошириш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Қувонарлиси, бунинг натижасида муайян ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.

**Зарина РУСТАМОВА**

